*Тошкент вилояти сайлов комиссияси*

*ҚАРОРИ*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-, 11-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округлари қуйидаги тартибда тузилсин:**

**1-"Ангрен" сайлов округи**
**Маркази – Ангрен шаҳри А. Навоий номидаги маданият саройи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Ангрен шаҳрининг бир қисми. Оҳангарон ва А. Навоий кўчалари чорраҳаси бўйлаб А. Навоий кўчасининг ўнг томони, Оҳангарон кўчасининг юқори томони, Янгиобод-1 қўрғони, Дукент қўрғони, Аппартак, Боғисурх, Янги Боғисурх, Беруний, У. Юсупов, Навбаҳор, Улуғбек, Кўктерак, Мустақиллик маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 28221

**2-"Талабалар" сайлов округи**
**Маркази – Ангрен шаҳри Маиший хизмат касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Ангрен шаҳрининг бир қисми. А. Навоий ва Амир Темур кўчалари оралиғидаги Оҳангарон кўчасининг юқори томонидаги аҳоли пунктлари, Қорабоғ, Қатағон, Наврўз-1, Наврўз-2 маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 28107

**3-"Нурчи" сайлов округи**
**Маркази – Ангрен тиббиёт коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Ангрен шаҳрининг бир қисми. Оҳангарон ва Қорабоғсой кўчалари чорраҳаси бўйлаб Оҳангарон кўчасининг юқори томони, Амир Темур кўчасининг чап томони, Чиғириқ, Красногорск қўрғонлари, Соғлом, Самарчук, Янги ҳаёт, Майдон маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 23706

**4-"Кончи" сайлов округи**
**Маркази – Ангрен кўмир саноати касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Ангрен шаҳрининг бир қисми. Оҳангарон кўчасининг паст қисмида жойлашган Жигаристон, Чинниобод, 8-март, Нурчи, Грум, Ғ. Ғулом маҳаллалари, Хаккарман – Янги Жигаристон, Янги Гўшсой, Дўстлик, Гулбоғ, Лашкерак, Нишбош, Геолог, Облиқ маҳаллалари, 5/4 даҳасидаги 2-4, 6-9, 12-16 уйлар, Компьютер ва ахборот технологияси касб-ҳунар коллежи ётоқхонаси, 5/2 даҳаси, Нуробод қўрғони.

Сайловчилар сони – 24537

**5-"Металлург" сайлов округи**
**Маркази – Бекобод шаҳри "Металлурглар" маданият саройи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бекобод шаҳрининг бир қисми. Ўзбекистон, Муҳаммедов, Муқимий, Зафар, Дўстлик, Ёшлик, Пахтакор, Янги ҳаёт, Боғишамол, Фарғона, Бобур, Андижон, Ширин, Нурли йўл, С. Раҳимов маҳаллалари, Самарқанд маҳалласидаги 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 47а, 48, 49, 50, 51, 51а, 52, 52а, 53, 54, 55, 55а, 56, 57, 57а, 58, 59 рақамли кўпқаватли уйлар ҳамда Сирдарё маҳалласидаги 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 30, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29 рақамли кўпқаватли уйлар.

Сайловчилар сони – 28406

**6-"Фарҳод" сайлов округи**
**Маркази – Бекобод шаҳри 2-сонли оилавий поликлиника биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бекобод шаҳрининг бир қисми. Фарҳод, К. Турдиев, Цементчи, Наврўз, Навоий, Аббасов, Қосим ота Фармонов, М. Турғунбоева, Булоқ ариқ, Тинчлик, Ал-Хоразмий, С. Айний, Ҳ. Олимжон, Рудакий, А. Жомий, Ш. Қўзибоев, Туркистон маҳаллалари, Самарқанд маҳалласидаги 60, 61, 61а, 62, 63, 64, 64а, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 72, 73 рақамли кўпқаватли уйлар ҳамда Сирдарё маҳалласидаги 10, 11, 12, 13, 14, 14а, 15, 16, 17 рақамли кўпқаватли уйлар.

Сайловчилар сони – 28206

**7-"Наврўз" сайлов округи**
**Маркази – Олмалиқ шаҳри "Олмалиқшаҳаргаз" идораси маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Олмалиқ шаҳрининг бир қисми. Г.Р.Э., Чамбил, Муқимий, Олмалиқовул, Наврўз, Тинчлик, Олтин, Рамазон, Фурқат, А. Яссавий, Қалмоққир, Камалак, Коинот маҳаллалари, А. Темур шоҳкўчасининг жуфт сонли 22-40 ва тоқ сонли 27-45 уйлари, Олимпия кўчасининг 1-21 уйлари, Навоий кўчасининг тоқ сонли 1-17 уйлари, Истиқбол кўчасининг 1-2 уйлари, Олмалиқсой кўчасининг жуфт сонли 202-268 ва тоқ сонли 229-285 уйлари.

Сайловчилар сони – 28505

**8-"Олмалиқ" сайлов округи**
**Маркази – Олмалиқ шаҳри "Металлург" маданият маркази биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Олмалиқ шаҳрининг бир қисми. Кўрпасой, С. Оллоёр, Намуна, Мустақиллик, М. Улуғбек, Бобур, А. Навоий, Охунбобоев, Қалмоққир, Юлдуз, Ўзбекистон, Гултепа, Дўстлик, Теракли, У. Носир, А. Қодирий, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, А. Икромов маҳаллалари, Гайдар, Темур Малик, Шош-Илоқ, Лолазор, Фаржол, Аъзамов, Кўрпасой, Наврўз, Пахтакор-79, Форобий, С. Раҳимов, Юсупов, Огаҳий, Увайсий, Ренин, Ойбек кўчалари, "Северная" станцияси, "Озерная" аҳоли пунктлари, 19-мавзе, Кетве кўчасининг тоқ сонли уйлари ва жуфт сонли 10-дан охиригача уйлар, Байналминал жангчилар кўчасининг тоқ сонли уйлари, Улуғбек кўчасининг 2-70 уйлари, Олмалиқсой кўчасининг тоқ сонли 1-227 уйлари ва жуфт сонли 2-200 уйлари.

Сайловчилар сони – 30465

**9-"Кимёгар" сайлов округи**
**Маркази – Олмалиқ шаҳри "Кимёгар" маданият маркази биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Олмалиқ шаҳрининг бир қисми. Бўстон, Тошкент, Ҳамза, Ибн Сино, Чўлпон, А. Қаҳҳор, У. Юсупов, Ойдин, Увайсий маҳаллалари, Байналминал жангчилар кўчасининг 2, 4, 6, 8-сонли уйлари.

Сайловчилар сони – 23330

**10-"Оҳангарон" сайлов округи**
**Маркази – Оҳангарон шаҳри Ботир Зокиров номидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Оҳангарон шаҳар Адолат, Бахт, Бирлик, Бўстон, Ватан, Гулистон, Дўстлик, Ёшлик, Илоқ, Қўрғон, Мустақиллик, Навбаҳор, Намуна, Орзу, Охунбобоев, Умид, Хонобод, Шодлик, Янгилик, Янгиобод маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 22412

**11-"Чирчиқ" сайлов округи**
**Маркази – Чирчиқ шаҳри Олимпия захиралари коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Чирчиқ шаҳрининг бир қисми. Оқ-қовоқ, 1-Азотчик, А. Навоий, Х. Мақсудов маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 21934

**12-"Саноатчилар" сайлов округи**
**Маркази – Чирчиқ саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Чирчиқ шаҳрининг бир қисми. 10-кичик ноҳия, 9-кичик ноҳия, 8-кичик ноҳия, Кимёгарлар қўрғони, А. Навоий, шаҳар марказий истироҳат боғи ҳудудлари.

Сайловчилар сони – 22502

**13-"Кимёгарлар" сайлов округи**
**Маркази – Чирчиқ шаҳар "Кимёгарлар" маданият саройи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Чирчиқ шаҳрининг бир қисми. 4-кичик ноҳия, 3-кичик ноҳия, 2-кичик ноҳия, 1-кичик ноҳия, шаҳар марказий истироҳат боғи ҳудудлари.

Сайловчилар сони – 22437

**14-"Трансформаторчилар" сайлов округи**
**Маркази – Чирчиқ шаҳар Офицерлар уйи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Чирчиқ шаҳрининг бир қисми. Чирчиқ шаҳри А. Навоий, шаҳар марказий истироҳат боғи, 39,40-маҳаллалари, Аранча ҳудудлари.

Сайловчилар сони – 26627

**15-"Янгийўл" сайлов округи**
**Маркази – Янгийўл шаҳри 6-сонли мактабгача таълим муассасаси биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Янгийўл шаҳрининг бир қисми. Фарҳод, Олтинобод, Муқимий, Н. Ниёзов, С. Султонова, Мезон ва Наврўз маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 20315

**16-"Янги ҳаёт" сайлов округи**
**Маркази – Янгийўл шаҳри технологик-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Янгийўл шаҳрининг бир қисми. Мустақиллик, Рамадон, Нодирабегим, Ишчилар шаҳарчаси ва Файзобод маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 20285

**17-"Бекобод" сайлов округи**
**Маркази – Бекобод тумани Пушкин қишлоқ фуқаролар йиғини 1-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бекобод туманининг бир қисми. Пушкин номли, Қиёт, Бекобод, Меҳнатобод қишлоқлари ва Гулистон қишлоғининг Исфара, Ўрикзор, Қўрғон, Сутбулоқ, Кум маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 35210

**18-"Зафар" сайлов округи**
**Маркази – Зафар қўрғони Бекобод тумани педагогика коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бекобод туманининг бир қисми. Зафар қўрғони, Жумабозор, Маданият қишлоқлари ва Гулистон қишлоғининг Тераксзор, Гулзор, Маллабой, Назарбой аҳоли пунктлари, Далварзин қишлоғининг Каналобод, Каттасой аҳоли пунктлари.

Сайловчилар сони – 29798

**19-"Далварзин" сайлов округи**
**Маркази – Бекобод тумани Далварзин қишлоқ фуқаролар йиғини 11-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бекобод туманининг бир қисми. Охунбобоев, Янги ҳаёт, Чаноқ, Баҳористон қишлоқлари, Далварзин қишлоғининг Зиёли, Тожикистон, Ширинбулоқ, Қатортол, Янгиобод, Бедапоя, Толқатор, Марҳамат қишлоқлари, Янгибозор қишлоғи завод кўчасининг чап томони, Янгибозор қишлоғи завод кўчасининг ўнг томони, Далварзин таъмирлаш заводи ҳудуди, Чорвадор қишлоғи, Қорадарахт, Тожикмаҳалла, Пахтазор, Кушбарак, Охунов, Камар қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 30909

**20-"Бўка" сайлов округи**
**Маркази – Бўка тумани халқ таълими бўлими биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бўка туманининг бир қисми. Бўка шаҳри, Кўштепа, Чиғатой, Қорақўйли қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 34000

**21-"Бўстон" сайлов округи**
**Маркази – Бўка тумани "Бўстон" қишлоқ фуқаролар йиғини идораси биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бўка туманининг бир қисми. Турон, Намуна, Бўстон, Кўкорол, Ровот қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 32478

**22-"Ғазалкент" сайлов округи**
**Маркази – Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бўстонлиқ туманининг бир қисми. Ғазалкент шаҳри, Қораманас, Қўшқўрғон, Янгиовул, Думалоқ қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 32844

**23-"Искандар" сайлов округи**
**Маркази – Бўстонлиқ тумани Искандар қўрғон фуқаролар йиғини маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бўстонлиқ туманининг бир қисми. Искандар қўрғони, Озодбош, Паргос, Хондайлиқ, Сойлиқ, Ғазалкент қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 29471

**24-"Чорбоғ" сайлов округи**
**Маркази – Бўстонлиқ тумани Чорбоғ қўрғон фуқаролар йиғини маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Бўстонлиқ туманининг бир қисми. Чорбоғ қўрғони, Хўжакент, Хумсон, Чимбойлиқ, Сижжак, Чимён, Бўстонлиқ, Боғистон, Жаҳонобод ва Дадабоев қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 32485

**25-"Назарбек" сайлов округи**
**Маркази – Зангиота тумани агросаноат касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Зангиота туманининг бир қисми. Чиғатой-Оқтепа, Туркистон қишлоқлари ва Назарбек қишлоғининг Алоқа, Охунбобоев, Назарбек, Наврўз, Навбаҳор, М. Мусаев маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 28032

**26-"Эшонгузар" сайлов округи**
**Маркази – Зангиота туманидаги 45-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Зангиота туманининг бир қисми. Эшонгузар қўрғони, Қатортол, Бўзсув қишлоқлари ва Назарбек қишлоғининг Найман-Ғиштчилар, Бешқўрғон, Ҳаракат маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 28914

**27-"Ўзгариш" сайлов округи**
**Маркази – Зангиота тумани "Ўзгариш-Садаф-Агро" ММТП маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Зангиота туманининг бир қисми. Ўзгариш, Хонобод қишлоқлари ва Зангиота қишлоғининг А. Миркомолов, Ўрта, А. Шораҳмедов, Хўжамозор маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 30504

**28-"Ўртаовул" сайлов округи**
**Маркази – Зангиота озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Зангиота туманининг бир қисми. Ўртаовул, Эркин қишлоқлари ва Зангиота қишлоғининг Эски қалъа, Сортепа ва Боғзор маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 25450

**29-"Ўнқўрғон" сайлов округи**
**Маркази – Қибрай тумани Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Қибрай туманининг бир қисми. Салор қўрғони, Ўнқўрғон қишлоғи.

Сайловчилар сони – 26635

**30-"Чинобод" сайлов округи**
**Маркази – Қибрай тумани Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Қибрай туманининг бир қисми. Ёнариқ, Чинобод ва Мой қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 26075

**31-"Янгиобод" сайлов округи**
**Маркази – Қибрай тумани Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси**: Қибрай туманининг бир қисми. Матқобулов, Тузель ва Янгиобод қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27689

**32-"Байтқўрғон" сайлов округи**
**Маркази – Қибрай тумани Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Қибрай туманининг бир қисми. Қибрай шаҳарчаси, Байтқўрғон, Оққовоқ ва Қипчоқ қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 29917

**33-"Дўстобод" сайлов округи**
**Маркази – Қуйичирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Қуйичирчиқ туманининг бир қисми. Дўстобод шаҳри, Қўрғонча, Гул, Майдонтол, Кетмонтепа қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 30706

**34-"Ўзбекистон" сайлов округи**
**Маркази – Қуйичирчиқ тумани Ўзбекистон қишлоғи, "Пахтакор" маҳалласи маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Қуйичирчиқ туманининг бир қисми. Ўзбекистон, Янгиҳаёт, Истиқлол, Тошовул, Тошлоқ қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27894

**35-"Олимкент" сайлов округи**
**Маркази – Оққўрғон тумани Олимкент қўрғони 3-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Оққўрғон туманининг бир қисми. Оққўрғон шаҳри, Олимкент қўрғони, Аччи, Тоштўғон, Зарбдор, Эркинлик қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 29943

**36-"Оққўрғон" сайлов округи**
**Маркази – Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Оққўрғон туманининг бир қисми. Оққўрғон, Зафар, Ойтамғали, Элтамғали, Дўстлик, Шоҳруҳия қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 31657

**37-"Қорахитой" сайлов округи**
**Маркази – Оҳангарон тумани 12-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Оҳангарон туманининг бир қисми. Қорахитой, Увак, Дўстлик, Озодлик қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27018

**38-"Телов" сайлов округи**
**Маркази – Оҳангарон тумани 38-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Оҳангарон туманининг бир қисми. Телов, Бирлик, Сусам, Қурама қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27082

**39-"Паркент" сайлов округи**
**Маркази – Паркент тумани "Матлуботинвест" МЧЖ биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Паркент шаҳри.

Сайловчилар сони – 31539

**40-"Бойқозон" сайлов округи**
**Маркази – Паркент тумани 31-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Паркент туманининг бир қисми. Паркент, Чанги, Хисарак, Бўстон, Қорақалпоқ қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27800

**41-"Заркент" сайлов округи**
**Маркази – Паркент тумани 18-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Паркент туманининг бир қисми. Заркент, Сўқоқ, Бошқизилсой, Намданак қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 24261

**42-"Пискент" сайлов округи**
**Маркази – Пискент агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Пискент туманининг бир қисми. Пискент шаҳри, Саид қишлоғи.

Сайловчилар сони – 30697

**43-"Кориз" сайлов округи**
**Маркази – Пискент тумани 28-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Пискент туманининг бир қисми. Кориз, Саид, Келовчи, Муротали, Дўнгқўрғон қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27611

**44-"Юнусобод" сайлов округи**
**Маркази – Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Тошкент туманининг бир қисми. Юнусобод, Чоштепа, Гулистон, Ҳасанбой қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27377

**45-"Келес" сайлов округи**
**Маркази – Тошкент тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Тошкент туманининг бир қисми. Келес шаҳри, Кўктерак, Чувалачи қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 34033

**46-"Қизғалдоқ" сайлов округи**
**Маркази – Тошкент тумани 9-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Тошкент туманининг бир қисми. Қизғалдоқ, Кўксарой, Масалбой қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 33913

**47-"Кумовул" сайлов округи**
**Маркази – Ўртачирчиқ тумани Кумовул қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Ўртачирчиқ туманининг бир қисми. Кумовул, Оқота, Ўртасарой, Йўнғичқоли қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 25724

**48-"Корасув" сайлов округи**
**Маркази – Ўртачирчиқ тумани 72-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Ўртачирчиқ туманининг бир қисми. Пахтакор, Қорасув, Навоий, Дўстлик қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 23439

**49-"Тўйтепа" сайлов округи**
**Маркази – Ўртачирчиқ тумани 4-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Ўртачирчиқ туманининг бир қисми. Тўйтепа шаҳри, Янги турмуш, Пахтаобод қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 28848

**50-"Истиқлол" сайлов округи**
**Маркази – Ўртачирчиқ тумани Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Ўртачирчиқ туманининг бир қисми, Туябўғиз, Янги ҳаёт қўрғонлари, Истиқлол, Ангор, Уйшун қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 25036

**51-"Чиноз" сайлов округи**
**Маркази – Чиноз тумани молия бўлими биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Чиноз туманининг бир қисми, Чиноз шаҳри, Янги Чиноз аҳоли пункти, Яллама қишлоғи.

Сайловчилар сони – 28833

**52-"Олмазор" сайлов округи**
**Маркази – Чиноз тумани 15-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Чиноз туманининг бир қисми, Олмазор аҳоли пункти, Чиноз, Кўтарма, Ўзбекистон қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27192

**53-"Эски Тошкент" сайлов округи**
**Маркази – Чиноз тумани 27-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Чиноз туманининг бир қисми, Эски Тошкент, Ислоҳот, Эшонобод, Туркистон қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 23175

**54-"Янгибозор" сайлов округи**
**Маркази – Юқоричирчиқ тумани Янгибозор маданият уйи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Юқоричирчиқ туманининг бир қисми. Янгибозор қўрғони, Саксонота, Истиқлол қишлоқлари, Оқовул қишлоғининг Қорақалпоқ, Еттиовул, Кавардан, Саксонота, Бўканбой, Қирғизовул аҳоли пунктлари.

Сайловчилар сони – 26279

**55-"Дўстлик" сайлов округи**
**Маркази – Юқоричирчиқ тумани Бордонкўл қишлоқ фуқаролар йиғини биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Юқоричирчиқ туманининг бир қисми. Бордонкўл, Тинчлик, Суранкент қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 22506

**56-"Жумабозор" сайлов округи**
**Маркази – Юқоричирчиқ тумани Жумабозор маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Юқоричирчиқ туманининг бир қисми, Наврўз, Жамбул, Арғанчи қишлоқлари, Оқовул қишлоғининг Султонравот аҳоли пункти.

Сайловчилар сони – 21201

**57-"А. Ортиқов" сайлов округи**
**Маркази – Янгийўл тумани 12-сонли мактаб биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Янгийўл туманининг бир қисми, А. Ортиқов, У. Мусаев қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27859

**58-"Ниёзбош" сайлов округи**
**Маркази – Янгийўл тумани Ниёзбош ижодиёт маркази биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Янгийўл туманининг бир қисми, Ниёзбош, Навбаҳор қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 27675

**59-"Гулбаҳор" сайлов округи**
**Маркази – Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Янгийўл туманининг бир қисми. Гулбаҳор қўрғони, Эски Қовунчи, Қўшёғоч қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 26998

**60-"Шўралисой" сайлов округи**
**Маркази – Янгийўл тумани Шўралисой педагогика коллежи биноси**

**Ҳудудий чегараси:** Янгийўл туманининг бир қисми, Шўралисой, Халқобод қишлоқлари, Бўзсув қўрғони.

Сайловчилар сони – 27168

**Вилоят сайлов комиссияси раиси** **У. АБДУШОҲИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 9 октябрь.

*Қишлоқ мулкдорлари*



# ИМКОН БОР ЭКАН, ҲАРАКАТ ТЎХТАМАЙДИ

**Вилоятда ғалла етиштирмайдиган фермер хўжалиги бўлмаса керак. Зеро, уларнинг саъй-ҳаракатисиз ғалла мустақиллигини тасаввур этиш қийин. Аввал бошданоқ ғаллачиликка жиддий киришилгани боис, дон қисқа вақтда ички эҳтиёжларни тўла қондиришдан ташқари яқин ва олис хорижга экспорт қилинаяпти.**

Шуниси диққатга сазоворки, бундай юксалишга ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Илгари у ёки бу фермер хўжалигининг 50 центнердан хирмон кўтаргани анча шов-шувга сабаб бўлса, бугун айрим туманлар ҳам шундай маррага чиқди.

Ўртачирчиқ туманидаги "Зилола-Райҳон" фермер хўжалиги нафақат ғалла, балки пахтадан ҳам ҳар йили барқарор ҳосил олиб, шартнома мажбуриятларини ортиғи билан бажараяпти. Хусусан, бу йил 23 гектар майдонда ғалла етиштирилиб, давлат эҳтиёжлари учун 75 тонна дон топширилди. Аъзоларга 40 тонна буғдой тарқатилди.

Хўжалик ўз тасарруфидаги 42 гектар ернинг 19 гектарида пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Шартномага мувофиқ давлатга 50 тонна хом ашё топширилиши керак.

– Даладаги ҳосилдан кўнглимиз тўқ, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Ҳусан Холмуродов. – Ҳар йилгидек, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажарамиз.

Дарҳақиқат, бугунги терим суръати шундан далолат бераяпти. Хўжалик аъзолари бутун оилалари билан теримда яхши иштирок этишаяпти. Шунингдек, маҳаллий аҳоли ҳам уларга ёрдам бераяпти.

– Бу йилги мавсумда фаол қатнашганлар қандай моддий рағбатлантирилишини олдиндан эълон қилганимиз ўз самарасини бераяпти, – дейди Янги турмуш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мурод Миразизов. – Ҳар куни тушликда кеча терилган пахта учун ҳақ тўланаётгани теримчиларни руҳлантириб юборди. Айниқса, энг кўп пахта тераётганларга шу куннинг ўзида қўшимча мукофотлар берилаётгани суръатни янада ошираяпти.

"Зилола-Райҳон" фермер хўжалиги бу йил яна бир муҳим соҳага жиддий қўл урди.

– Ғаллачилик ва пахтачилик қаторида чорвачиликни ҳам йўлга қўяяпмиз, – дейди фермер. – Ҳасан акам бу ишга астойдил киришганлар. Қорамолларимиз 60 бошга етди. Ҳаммаси наслдор моллар. Ҳозирча, бўрдоқичиликка эътибор қаратаяпмиз.

– Фермерларга шундай қулай шароит, имкону имтиёзлар яратиб берилаяптики, энди улар пахтачилик ва ғаллачилик билан кифояланиб қолмай, ташаббус кўрсатиб, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби соҳаларга, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга дадил қўл уришлари керак, – дейди Ҳасан Холмуродов. – Биз ҳам чорвачиликни шунчаки ҳавас учун эмас, балки аниқ мақсадларни кўзлаб, муқим режа асосида йўлга қўяяпмиз. Туман ҳокимлиги бу саъй-ҳаракатимизни маъқуллабгина қолмай, қўллаб-қувватлаяпти ҳам. Хусусан, хўжалигимизга қўшимча ер ажратишни ваъда қилишди. Бу ният амалга ошса, молларни ем-хашак билан ўзимиз таъминлашимизга имкон туғилади.

**СУРАТДА:** фермер Ҳусан Холмуродов (чапда) хўжалик аъзоси Даврон Анорқулов билан суҳбатда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ХХI аср ва дунё

### ҚОНУНГА МУВОФИҚ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Германия ҳукумати энергия манбаларидан унумли фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонун қабул қилди. Бундан кўзланган мақсад 2020 йилгача карбонат ангидрид газининг ҳавога чиқишини 36 фоизга камайтиришдан иборат.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, янги қонунда саноатда, кундалик ҳаёт ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда энергия манбаларидан унумли фойдаланиш имконини берадиган янги технологияларни рағбатлантириш кўзда тутилган.

### ИШ ЎРНИ ҚИСҚАРДИ

Жорий йилда Эстониянинг қурилиш соҳасида эллик мингга яқин иш ўрни қисқартирилади. Қурилиш корхоналари иттифоқи ижрочи директори Индрек Петерсоннинг сўзларига кўра, иқтисодий инқироз туфайли 2008 йили мамлакатда қарийб ўн минг қурувчи ўз иш ўрнидан маҳрум бўлган, юзлаб ходимлар мажбурий таътилга чиқарилган.

Иш ўринларининг қисқариши, шунингдек, логистика ва кўчмас мулк соҳаларида ҳам кузатилмоқда.

### ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ

Индонезиянинг Суматра оролида бир ҳафтадан буён давом этаётган кучли ер силкинишлари оқибатида ҳалок бўлганлар сони уч мингдан ошиши кутилмоқда. Хабарларга қараганда, мингга яқин киши бедарак йўқолган.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, зилзила оқибатида электр узатиш тармоқлари ва сув таъминоти тизими ишдан чиққан, икки юз мингдан зиёд тураржой биноси, шифохона ва мактаблар, йўллар, бошқа кўплаб иншоотлар вайрон бўлган.

**ЎзА.**

